

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 151 (4846).

8 июль 1982 й.
ПАШАНАВА.

Газета 1966 йил
1 июльдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



СССР
60 йиллигига
60 зарбдор
хафталик

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА


Тежамкорлик—
коммунистик ҳислат

ЁНИАҒИ ИҚТИСОД ҚИЛИНМОҚДА

«Тошкент» тепловоз депосида дизель ёқилғисини тежашга катта эътибор берилляпти. Бу депода юк ва пассажир поездлари машинистларнинг бир неча колоннаси маъжуд бўлса-да машинистлар янгида кўпроқ ёқилғи тежаш мақсадида фақат колонна билангина эмас, бир колоннада ишлаётган ўз ҳамкасблари билан ҳам мусобақалашади. Бу эса ахирини самара берляпти. Жумладан, бир колоннада

ишлайдиган машинистлар Н. Сатторов, А. Тўлагановлар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишляпти. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида А. Тўлаганов 4,5 минг килограмм ёқилғи иқтисод қилган бўлса, унинг мусобақадoshi Н. Сатторовнинг тежаси ёқилғисини 4 минг килограммдан ошиб кетди.

Бу билан ҳар бир машинист 200 сўмликдан ортиқроқ маблағни тежашга муваффақ бўлди.



«Уртон» кондитер фабрикасининг коллективи СССР ташкил этилган йилнинг 60 йиллигини муносиб соғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришда. Меҳнат беллашувда коммунистлар, тақрибли кишилар олдинда боришляпти.

СУРАТДА: корхонанинг илгори ишчилардан О. Яхшилов ва Н. Тўлаганов. Улар смена-ойлик топшириқларини умумтажам 120—130 процент адо этишляпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

МАЙДА-ЧУЙДАЛАР БЎЛМАСЛИГИ ДОЗИМ

Куз-киш мавсумида ишлашга ва Тошкентнинг 2000 йиллик байрамига тайёргарлик қилиш шаҳар комиссияларининг нобатдаги мажлислари бўлиб ўтди. Мажлисларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борди.

Совуқ кунларда шаҳарнинг иссиқлик билан нақадар пухта таъминланганини кўп жihatдан шу кунларда тайёргарлик тадбирлари, иссиқлик тармоқларининг профилактикаси, реконструкция ва қурилиш қандай олиб борилаётганига боғлиқдир. Лекин «Таштепосеть» корхонасининг қурилатган барча объектларида аҳоил кунгидедек деб бўлмади. Масалан, Б. Хмельницкий кўчасидаги коллекторни реконструкция қилиш ишлари жузда кеч бошланди. Шу сабабли йил бошидан бери 365 минг сўм капитал маблағ улаштирилмади қолди. Хуршид, Шимолий Олмазор кўчаларидаги иссиқлик тармоқларининг қурилиш ишлари ҳамон пайсалга солинмоқда. Шимолий-Шарқ

ва Қорақамиш насос станцияларининг қурилиш жузда сурт олиб бориляпти. Ишга бундай ёндашш биринчи ярим йилликда капитал маблағларни улаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда қолқолди олиб келди, деб таъкидлади шаҳар комиссиясининг аъзолари. «Таштепосеть» раҳбарлигига қурилатган ана шу объектларни алоҳида назорат остига олиш таъкид этилди.

Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик қилиш давом этмоқда. Акмал Икромов районда бу соҳада қилган ишлари қилинди. Саноат корхоналарида меҳнат унвондорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқарш ҳажмини 100 процент ўсиш таъминланди. 153-қурилиш трестининг 3-қурилиш бошқармани «Среднеазгастоматик» заводининг, трамвай-троллейбус бошқармани механизация базаси ишлаб чиқарш корхонасининг қурилиш ишларига етказмоқда. Шу кунгача 9,5 минг квадрат метр турар жой, ижтима ётоқ-

хона, Тўқимачи кўчасида болалар боғчаси, Бешкейрағон массивида ёзги кинотеатр фойдаланишга топширилди. Савдо, маънавий хизмат корхоналарини реконструкция қилиш давом этмоқда, соғлиқни сақлаш тармоқлари кенгаймоқда, район аҳолисига транспорт хизмати ахшиллаш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинди, 20 минг номерли янги 74-АТС қурилиши тугалланди.

Юбилейга район уй-жой ташкилотларининг ҳодимлари ҳам тайёргарлик қилишляпти. Шу кунгача 50 дан зиёд уйнинг таъини томонлари тартибга келтирилди, микрорайонларда ва маҳаллаларда 2,5 минг туп дархат ва буталар ўтказилди. Лекин соғломлаштириш спорт майдончаларини бунёд этиш сустиқлиги билан олиб бориляпти. Бу масала ҳам жузда муҳим. Районинг ободонлаштириш соҳасида ҳали талайгина ишларни бажариш керак. Я. Кулпала, Уйгур, Маҳорат, Али Қушим, Мирхунд кўчаларининг реконструкцияси, районнинг

марказий Акмал Икромов номи майдонини Бозатиш, Бўзсув канални бўйлаб дам олиш зонасининг, В—13 кўчаларида болалар боғчаси, 200 ўринли ёзги кинотеатрининг қурилиш ишлари жумласидандир.

Мажлисда Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан бош савдо бошқармаси бўйича белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганига ҳам кўриб чиқилди. Ҳозир кўпгина савдо корхоналари реконструкция қилинляпти, капитал ва жорий ремонтдан чиқариляпти, антреналар янгиланмоқда, уларга туташ территориялар ободонлаштирилмоқда. Аммо ҳар бир тадбирнинг бажарилиш мудафалари аниқ белгиланмаган, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга доир ишлар етарли даражада амалга оширилмаган, деб таъкидландилар шаҳар комиссиясининг аъзолари. Бу эса пойтахт юбилейига тайёргарликда муҳим ўринни эгалляпти.

Олий ўқув юртларида ИЛМИЙ АНЖУМАН

Республикамиз партия ва ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон ССРнинг барча олий ўқув юртларида чет тилларини ўқитиш йилдан-йилга ахши йўлга қўйилмоқда, олий ўқув юртларининг моддий-техник базаси яхшиланмоқда, мутахассислар тайёргарлик сифати оширилмоқда.

Барча предметлар қатори чет тилларини ўқитиш, ўқитишда техника воситаларидан кенг фойдаланиш ҳозир кунда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Шунга кўра, СССР ва Ўзбекистон ССР, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент автомобиль йўллари институтида студентларга чет тилларини ўқитиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш проблемаларига бағишланган зонал илмий методик конференция ўтказилди.

Конференцияда ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари, Москва ва Ленинград шаҳарлари олий

ўқув юртлари олимларидан 200 га яқин профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Конференцияда ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари, Москва ва Ленинград шаҳарлари олий

МЕДЕТАПН ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Пойтахтдаги қишлоқ хўжалиги учун ахборот институтининг фондларида бир миллиондан кўпроқ махсус хужжатли материал, шу жумладан илмий-оммабоп филмлар ва рангли диапозитивлар бор. Бу институт янгида ташкил этилган йилнинг ишларида ахши йўлга қўйилди. Шу муассасанинг фаолияти

туфайли чехословак деҳқонлари, чоревдорлари, агрономлари ва мелиораторлари СССР-дагина эмас, балки чет элларда ҳам қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиш ақтуал проблемаларига оид зарур маълумотларга ҳамиша эгадирлар.

Прага институтининг ҳодимлари 75 мамлатдан турдош ташкилотлари ва муассасаларидаги ҳамкасблари билан налим алоқа боғлаб турибдилар. ЧССРдаги қишлоқ хўжалиги ахбороти марказининг фондларида ҳам йили 20 мингта янги китоб, брошюра ва илмий асарлар қўшилмоқда. Зарур маълумотларнинг тўпلامини электрон-хисоблаш машинаси имони борица тез тайёрлаб бермоқда.

Сан-Франциско. Сан-Франциско шаҳар неапатининг қарорига мувофиқ бу шаҳарда ўн отадиган шахсий қурул олиб юриш расмий жихатдан таъкидланди. Янги қарорга мувофиқ, шаҳарнинг қурул-яроққа эга бўлган бутун аҳолиси 120 кун ичида бу қурулти топшириш лозим. Акс ҳолда улар 90 кун мудафид билан турмушта қолмоқда, 500 доллар жарима тўлашлари мумкин.

Бу қарор оғуравонлигининг аниқ олгандаги қарини қурашайтган шаҳар жамоатчилигининг таъйини остида қабул қилинди. Америкаликларнинг қўлчилиги йомил деб баъди «Ю. С. Ньюс» аниқ урдадир. Қурул-яроққа эга бўлган қурул-яроққа эга бўлган бутун аҳолиси 120 кун ичида бу қурулти топшириш лозим. Акс ҳолда улар 90 кун мудафид билан турмушта қолмоқда, 500 доллар жарима тўлашлари мумкин.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил)

Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

КЕЧА ТОШКЕНТДА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ ВА ПАРТИЯ АКТИВИ ИЙГИЛИШЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УЛАРДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ(1982 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВИНГ «СССРНИНГ 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МУЎЖАЛЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ДОКЛАДИДАН ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМИТЕТИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Собир Раҳимов район партия комитети пленуми ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этиди ва нутқ сўзлади. У ўз нутқида шунини таъкидлади, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини Тошкент меҳнатқиларни сўз қўтарини руҳда ва қизгин маъмулда, кутуб олишди. Бу қарорлар шаҳардаги ҳар бир меҳнатчининг жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Фақат шу беш йилликнинг ўзида шаҳар саноати-қишлоқ меҳнатчиларига 34 мингта трактор, 33 мингта трактор принциплари, 16 мингта пахта териш машиналари, 15 мингта селетка, сатма 8 мингта чаңлагич-пуригачлар, 200 миллион сўмликдан зиёдроқ турли машина, прибор, дастгоҳлар, ахтир қислар, узеел ва агрегатлар етказилди.

Пойтахт корхоналарининг Ўзбекистон, Сирдарё ва Тошкент областларига кўрсатилган оталиқ ёрдами ҳамки йил сайини ошиб бориляпти. Кейинги йилларда партия ташкилотларининг актив иштирокида илмий ва лойиҳалаш ташкилотлари кўпгина ишларни амалга оширишляпти. Ўн биринчи беш йилликда ҳозир ишлаб чиқарилаётган 10 хилдан зиёд қишлоқ хўжалик техникасини модернизация қилиш, қуввати юз от қўлга эга бўлган тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, териб олинятган пахтани тўқимадиган ва сифатини оширадиган универсал пахта териш машинаси яратиш вазибдан турибди. Шаҳарнинг олимлари ва мутахассислари кўпгина ишларни амалга оширишляпти керак. Ўрдач хўжалиқлар янгида ривожлантирилиш лозим. Шаҳардаги барча ёрдач хўжалиқлар ва комплекслардан беш йиллик охирига бориб, йилгига 16—18 минг тонна гўшт олиш зарур. Ўзбекистон, Сирдарё ва Тошкент областларига ўн биринчи беш йиллик мобайнида 50 миллион сўмлик оталиқ ёрда-

ми кўрсатилади. Бу натта ва мураккаб вазибдир.

Шаҳар партия комитети кейинги йилларда ёрдамчи қишлоқ хўжалиқларини яратишни тезлаштиришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш бўйича ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтирди. Янгидагина шаҳар йўли билан Тошкент областининг Калинин районида чўққачилик комплексининг иккинчи навбати қурилиши ниҳоясига елди. Унинг қуввати 20 минг бошга етказилди.

Шаҳарнинг 9 корхона ва ташкилот илмий хўжалиқларга эга. Барча районларнинг корхоналари ва ташкилотлари куч билан шаҳар чўққачилик хўжалиқининг учинчи навбати қурилиши бошлаб юборилди. Бу йил унда чўққачлар сони 30 мингга етказилди.

Корхона ва ташкилотларининг партия ташкилотлари ва коммунист-раҳбарлари шунга эришляпти керакин, меҳнат коллективларининг оталиқ ёрдами КПСС Марказий Комитети май Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI Пленуми қарорларини бажаришляпти таъсирчан омилига айланиши. қишлоқ хўжалигини янгида ўстиришга, СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятлан бажаришга ёрдам берсин. Ҳар бир коллектив бу йўналишда ўзининг конкрет марраларига эга бўлиши, ўзларидати барча резерв ва имкониятларини умумхалқ ишига сафарбар этсин.

Акмал Икромов, Ҳамза, Киров, Октябрь, Қўйишев, Чилонзор, Фрунзе районлари партия комитетларининг пленумлари ишида ва Ленин, Сергел районлари партия актив ийгилишларида шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар партия комитети секретари Б. Е. Халидов, шаҳар партия комитети босқинчи аъзолари В. О. Козимов, Г. М. Саркисов, Т. Н. Набиев, Ф. Н. Назруллаев, И. Е. Сатторов, шаҳар партия комитети босқинчи аъзолари кандидатлар И. Г. Чиченков, У. К. Султонов қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Долзарб мавзу

ҚУРИЁТГАН КЎЧАТ

Ҳаётимобайнида икки туп ниҳол экиб, ўстирган инсон ўз умрининг мазмунини ўтди деб ҳисоблашга ҳақлидир.

М. ГОРЬКИЙ.

Саратон кирди. Табиат саратонда ўзига хос имтиҳондан ўтди. Маълумки, олим ёки ижодкор бирон янгилик яратиб, уни ҳақ эътиборига жалб этиб, бу кашфиёт тарих завоқларини беэадил. Ёки меъморни олайлик, у яратган ҳар бир ажойиб обида ва ёлдорлик асарлар оша салобат тўкиб яшайди, айни пайтда ўз ижодкорининг номини ҳам асарлардан асрларга олиб ўтди.

Ҳаётда ўчмас из қолдириш ва яхши ном орттириш бахтдан аслида ҳеч ким бебаҳра эмас, бу борада барчага ўрин бор. Ҳамма баробар санъаткор ёки олим, меъмор ёки бас-такор бўлиб туғилмайди. Ўқимол, фавқулодда талант барчага муюсас бўлиши қийиндир. Бироқ, меҳнат насорати қилинган ҳаёт кичкина беэамайди дейсиз. Бу бахтга барча баробар дахлдор-ку. Айтайлик, бирор ерга бир туп кўчат ўтказилди. Кўчат унинг-ўсди. Ўзининг яшил либосини атрофга қўз-қўз қилиб, латофат ҳада этни билан бирга, жазирама кунларда йўловчиларга оромгоҳ бўлди. Қолаверса, ҳар бир дархат шаҳар ҳавосини тозалашга, демак инсонга хизмат қилади.

Тоғо шундай бўлади: офтоб қуйириб ёган жазирама жой бир дархат билан ўз ёлғисини «бугунги» ўзгартириб юборади. Демак оқлий ижтимо эмас, муъжизавий кўча, тўғаллик эга. Бу ўз навбатида ажойиб кашфиёт эмасми? Мана шунинг ўзи келажак учун муюсис ёлғорлик эмасми?

Маълумотларга кўра ҳар баҳорда шаҳаримизда миллион тупдан ортиқ кўчат ўтказилади. Агар сўнги ўн йиллик рақамларини жамласангиз? Осмондан танта ёғилса, ерга тушмай, фақат дархатлар устига ёғилган бўларди-ку? Шунини айтибларинки, шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ва унинг ташкилотлари кўп ҳолларда фақат экилган кўчатларга сарфлашга ғамхўрлик кўрсатилляптими? Кўчат ундим, қўқардим ёки кўчат қолдим, бунинг на рўйхати, на йўқамаси бор.

Сир эмаски, кўчичилик ерларда ўтказилган кўчатлар ёнинг иссиқ кунларида қуриб бошлайди. Ахир ҳадемай саратон бошланди. Нега энди дархат ва яшил тўсқинлар ўз вақтида сугорилляпти? Шунини айтиш керакки, кўчат ўтказилгани билан иш битилмайди. Иссиқ об-ҳаво шароитида ниҳолга алоҳида меҳр ва парвариш керак.

Газетхоналарнинг редакцияси йўллаётган хатларидан не ҳасрат билан ўтказилган кўчатлар саратон иссинидан қуриётганлиги айтилган. Лисувоси кўчасидаги 3, 23-трамвайларнинг охириги бекатидан хибонларга ўтказилган кўчатлар сувсизликдан қуриётган. Қараб туриб юратинг аниқ-ай. Агарда беш ўн чекан сув билан сугорини муюсис бўлганда, ўзини сугориб кўр эди. Лекин бу ердаги ниҳолларни, сугорини учун камада ички, уч машина су керак, деб баъди ўз хатидан Н. Абдулқодиров. — Биз бу кўчатларни сугорини ҳақида трамвай депосиданларга ва диспетчерга айтдик, Лекин уларнинг парвои-палами?

Оқшомхон У. Абдуллаев ўз хатидан, Акмал Икромов районидан янги ўтказилган кўчатлар қуриб қолаётганлиги ҳақида аниқлиб хабар қилиб, баъзи бир ташкилотлар томонидан бир ариқлар ҳам қўйиб ташланаётганлигини, натижада дархатлар сувсизликдан қуриётганлигини айтган. «Биз ишайтган Акмал Икромов районидан 23-кварталнинг 6-ўй олдидан ариқдан доимо сув тўлиб оқар эди. Нима бўлсини, 1980 йилда сув бўлинадиган жойга бир электростанцияга ўқинаш буюр қурилди. Шундан бери ариқлардан тўлиб оқарган сув йўқолди. Унингизнинг олдиндаги дархатлар, гуллар сувсизликдан қуриётган. Чунки ариқ устига қичкинагина буюр қурган ташкилот ариқда труба ётқизиб, сувни ўтказиб юбормасдан, мутлақо кўмоб юборган. Бу ўқинашчилик билан бажаришдан иш қанчалик янги-янчи ниҳоллар нобуд бўлишига олиб келмоқда», — дейди ўз хатидан У. Абдуллаев. Редакциямиз ана шунга ўқинаш хатларини газетхоналаримиздан жузла қўйлаб олмоқда.

Бугунги кунда шаҳар 5,5 минг километр узунликтаги сугорини системасига эга. Бундан ташқари 450 километр узунликтаги пур-качи фонтанларга ўрнатилган. Шу йилнинг унда минг километр канал қурилади. Лекин ана шу қурилатган канал ва ирригация шаҳобчаларининг дариш қўчичилиги сўз бўлмайди. Нега энди аллақандай руҳланишга маълумотлар учун неча-неча минг сўмлаб дархат маблағини сув оймайдиган ариқлар, қуриётган кўчатлар, баҳра бермайдиган ирригация шаҳобчалари йўлида сарфлашляпти керак?

Айрим ҳолларда аввалдан сув чиқаслиги аниқ ва муқаррар ерларга кўчат ўтказиш ҳоллари рўй бермоқда. Кўчат ўтказилаётган вақтда ниҳолларни сув сепши машиналари ёрдамида сугорини ваёда қилишляпти-ю, лекин бу ваёда икросига келганда унутилди. Нега энди ўтказилаётган ҳар бир кўчатнинг унинг ўқини учун олдиндан шароит яратилмайди?

Бугунги кунда Киров районидан вақини ва зардоб илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси оталигидан кўчатлар, Октябрь районидан «Марказ — 13», «Марказ — 26», «Марказ — 27» кварталлари, Юнусовод, Қорақамиш, Қўйиш, Қорасув массивларида барпо этилган янги хибонларга ўтказилган ниҳоллар ҳам сувсизликдан қуриётган. Баъзи жойларда, айниқса Халқа йўлида куннинг иссинидан ўтлар қовжириб, ёнинг чикши хавфи тугалмоқда.

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун умумхалқ қураш борак экин, шаҳар қуриш ва чирои билан боғлиқ ҳеч бир ишга майда-чуйда деб қараш мумкин эмас. Экилгани эмас, тугиб ва яшиб кетган ниҳолгина кўчат деб аталмоғи керак! Қўнча ва навиорин Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи тобора яқинлашмоқда. Кўчат фасли билан ҳисоб-китоб қилар бўлсан, икки фасл — бу йилги кўз ва келгуси баҳор мавсуми қолди! Ўзгал шаҳримизда қуриган дархат бўлмасин! Саратон кирди. Қолган айни шу кунларда ҳар бир кўчат ғамхўр ниҳол, меҳр ва парвариш талаб этади. Тўки меҳр билан экинмиз қуриган шох-бўтоқ эмас, яшанган кўчатга айланиши. Ишчанга кўчат эса солқин боғларимиз, бойлигимиз, шаҳримиз қулиш ва ҳуснидир!

(ТАСС).

Яхши бўлса қўшини
Тинчиганинг, ёр-ёр.
Тинчиганинг!
Емон бўлса қўшини
Тўзиганинг, ёр, ёр.
Тўзиганинг!

М. МУРОДОВ
филология фанлар
доктори.

3 ТУШКЕНТ
БЕТОҚШОМИ

8 ИЮЛЬ, 1982 й



«ТИФФОЗИ» ТАНТАНАСИ

Испания этюдлари

«Аср учрашуви» деб баҳоланган Бразилия ва Италия терма командалари ўртасида бўлашақнинг биз ҳаммага таниш ва Барселонага келган саммий дўстим Қорбола билан томоша қилдик. Тўғри у чемпионатга бироз кечиктирилди. Бунга асосан сабаблар бор эди. Биринчидан «Известия» газетасига худди «Тошкент оқшом» газетаси сингари футбол мухлисларидан кўлаб хатлар келди. Чунки газеталар конкурсу эълон қилинган. Олинган хатларни саралаш, қўриб чиқиш ва ажратиш лозим. Иккинчидан, Қорбола ўн кўнмаган Испаниядаги ҳарорат бироз пайиниши кутаётган эди. Бундай ҳодиса юз бермаслигига ишончи қомил бўлганидан кейин Қорбола махсус космик кийим буюртди. Бу кийимда иссиқни ҳам, совуқни ҳам сезмайдиган кийим.

Қорбола ҳамюртларининг поляшадилар билан бўлган учрашувида мағлубиятга учраганликларини эшитиб ниҳоятда хафа бўлди. Мен хато қилганим йў. Учрашуви дуранг натижа билан тугаган бўлишига қарамастан, СССР терма командаси учун мағлубият келтирди. Бу учрашувида мамлакатнинг терма командасига фақат талаба зарур эди.

Биласизми, Нараяхто, — деди москвалик дўстим Қорбола, — футболга нисбатан мен ҳар ҳолда шайбали хоккейни яхши кўраман. Ҳаммага маълум, қўрқоқлар хоккей ўйнашмайди. Агар эшитган бўлсангиз, терма команданинг ўйинчилари ҳал қилувчи дақиқаларда жасорат, ирода, энг кучли рақиблар билан бўлган учрашуларда ўзларининг қўлидан келмайдиган ваазифани ҳам бажариш учун имкон топадилар йиллар. Улар бир неча марта жаҳон чемпионлиги кўлга киритишган. Ҳозир футбол бўйича СССР терма командасининг составида жаҳон чемпионатларида қатнашиш тажрибасига эга бўлган ҳам ўйинчилар кўп, дейиш мумкин. Худди шу нарса мағлубиятга сабаб бўлади. Тўғриси айтганда, бундай фикрга умуман қўйишмайман. Хоккей бўйича терма командасида эш ўйинчилар оз эдим? Улар ниҳоятда чиройли ўйин кўрсатишди. Уларнинг ҳаракатларидан лаззатландим.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Нараяхто. Поляша терма командаси қандай составда эди? Унинг составида ҳам кўп йиллик синовдан ўтган уч-тўрт ветеранлардан ташқари еш ўйинчилар ҳам кўп эди. Менинг ҳамюртларимга учрашувида пухта тайёргарлик кўриш, жанговар руҳ, ҳақиқий спорт жасорати етишмади. Шу бовечдан ҳам улар ярим финалга чиқа олмадилар.

Кейин Бразилия — Италия терма командалари ўртасидаги учрашувида юз берган ҳақиқий маънода драматик воқеаларни кузатаётганда Қорбола бир неча марта ҳаяжонини боса олмай: «Мана шундай ўйнаш керак, шундай курашиш керак!» деб юборди.

Яшириб ўтирмайман, мен шу кунги ҳақиқий маънода чарм тўп устасиди бўлган бразилияликларнинг талабасига ишонган эдим. Учрашуви ниҳоятда ҳаққонли ва қизиқарли сценарий асосида борди. Қандайдир номаълум режиссёр кўзга қўйилмаган ҳолда бу тасоар ва ҳужумкор футбол томошасига янги-янги муаммолар киритаётган эди. Унинг мақсади бразилияликларнинг асабини тегиш ва бор маҳоратларини ишга солишга мажбур қилиш эди.

Бу ўйинда жаҳондаги барча болакайлар ўйнайдиган «қувлаш-мач» юз берди. «Саррига Эспинол» стадионининг минбарларини лиқ тўлдириб ўтирган томошабинларини учрашуви бутунлай ром қилиб олди. Шу бовечдан ҳам улар хўштан қалинлигига қадар стадиондан кетишмади. Учрашуви ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказилган. Пауло Росси бешинчи минутда бразилияликларнинг дарвозабони Вальдир Пересни тўғри дарвозадан олишга мажбур қилди. Италияликлар бекхот иштирокати комбинация ва кўнмаганда ушатирилган қарши ҳужум тўғрисида дарвозани нишонга олишди. Ҳар бир техник усул жуда аниқ баъжарилиди.

Одинлари ҳам бўлганидек, бу тўп бразилияликларни беовата қилмади. Улар тўб ҳеч нарса юз бермаганидан ўзларига хос усулда охиста ва совуққонлик билан ҳаракат қилишни давом эттиришди. Айни пайтда тўп билан муомала қилиш техникасини кўнма мал ағаллаб олганликларини муксатишди. Фақат уларнинг ярим



Сизнинг НАРАХИТОНГИЗ.
Барселона — Мадрид, 7 июль.

Ажойиботлар оламида

МУЙЛАБЛИ РИККИ

Кипилик тараннум этган доврак мангуста Рикки-тикки-тазининг жиддий бир рақибни пайдо бўлди. «Горний» пионерлар лагерига дам олаётган болакайлар сўйган Баскка деган оддий ой мушунга илон қирувчи ролини ўйнади. Баскка жазирани иссиқда кекса чинор қавагага кириб олиб дам олади. Унинг салтин услигини чағирилмаган муҳим ишод эйтишга унинг кўнмадан у даргазоб бўлиб, албатта. Қора илон ҳам жазирамадан жон саклаш учун шу ерга чиққан бўлса керак. Баскка саросимга тўшмай илоннинг думини гарча тийлаб қавакдан иттиб юборди.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

КИНО

8 ИЮЛЬ

ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК ТАШРИФИ» — Ҳамза.
«АСРЛАР АНЪАНАСИ» — Восток.
«КАТТА ЭЪГАРИШЛАР НУЛИДА» — Қозоғистон.
«ГАЛИЗЛИК» — Исра.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ИСТЕҒОДАГИ МАҚТАНЧОҚ НОГОРАЧИ» — Москва (тоқ соатларда, телефон 88-13-75), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 33-24-92), Восток (юфт соатларда, телефон 91-14-61).
«СУКУНАТ ҲАҚИРИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номи (телефон 78-47-25), Дружба (юфт соатларда, телефон 66-15-73), Қозоғистон (юфт соатларда), Лисун номи (тоқ соатларда).
«САНАТОРИЯГА КОМАНДИРОВ-КА» — Тинчлик (юфт соатларда, телефон 53-86-07).

«А—АЙЛАНАДАГИ ТУН» — Восток (юфт соатларда).
«ОЛТИН КУНЛАР» — Кучма (тоқ соатларда, телефон 46-23-16).

9 ИЮЛЬ

ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«СИОНИЗМ СТРИТ» — Тинчлик.
«ШАҲАР ҚИЕВАСИ» — Мир.
«РАҚС БАЙРАМИ» — Лисун номи.
«ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК ВИЗИТИ» — Ҳамза номи.
«КАТТА ЭЪГАРИШЛАР НУЛИДА» — Қозоғистон.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ИСТЕҒОДАГИ МАҚТАНЧОҚ НОГОРАЧИ» — Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-73), Қозоғистон (юфт соатларда, телефон 33-24-92).
«СУКУНАТ ҲАҚИРИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номи (телефон 78-47-25), Дружба (юфт соатларда, телефон 66-15-73), Қозоғистон (юфт соатларда, телефон 33-24-92), Восток (юфт соатларда, телефон 91-14-61), Лисун номи (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«САНАТОРИЯГА КОМАНДИРОВ-КА» — Тинчлик (юфт соатларда, телефон 53-86-07).
«А—АЙЛАНАДАГИ ТУН» — Восток (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

САНАТОРИЯ ТИПИДАГИ 4-МАҚТАБ-ИНТЕРНАТ умуртқа ва қон касалигини бўлган

БОЛАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
1—8 синфларда ўқийдиган, Тошкент шаҳрида яшайдиганлар қабул қилинади.

Уқиб ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Консулхатда ҳар кун соат 10 дан 14.00 гача

УТКАЗИЛАДИ
Мақтаб-интернат Чилонзор район Саноат кўчасидаги 14-уйда жойлашган (16-тротуар), 123-автобуснинг «Интернат» бекети, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси).

ТРАНСПОРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 10-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ
«С» категориядаги транспорт воситаларида ишловчи автомобил шофёрлари

ТАЙЕРЛОВ КУРСИГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиниш мажбурий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиб даврида курсантларга 45 сўм стипендия тўлаб борилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 146-алоқа бўлими, Строитель кўчаси, 22-уй (12, 68-автобусларнинг «Панельный завод» бекати).

ЗАНГОРИ ЭКРАНА

8 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

17.00 Шахмат мактаби. 17.30 П. И. Чайковский номи VII Халқаро конкурсида. 3-тур. 18.15 «Лёвони» устаслар маҳорати. 18.45 Футбол шарҳи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 П. И. Чайковский номи VII Халқаро конкурсу натижалари. 20.20 «Кафедра». Телевизион балий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. 1/2 финал. Танаффус пайтида (23.00) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 ССР Иттифоди Давлат академик Бойбой театрида Л. Куклаз ушлаган кўннинг 100 йиллигига бағишланган пьеса. 20.30 «Тунингиз кайрай бўлсин, кичиктойлар». 20.45 «Дустларимиз чекраси». 21.30 «Время». 22.05 «Виринчи рейс». Телевизион балий фильм.

Ўзбекистон телевиденининг программаси

19.00 «Ижод саҳифалари». Янка Купала. Шоир тугалган кўннинг 100 йиллигига. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Невисик. Лавҳалар». Фильм-манзара. 19.55 «Оқиш-оват программаси» — ҳаққ фаровонлигининг асоси (тажик). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артистлари Б. Давидова ва О. Алимаҳсумов концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Комплекс механизация» — пахтачиликда бош йўналиш. 22.20 «ОЗОД БАТАНИНГ. ОТСИП ШОН-ШУРАТИНГ». 60 СССР ташкил тошганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифонд оид республикаларнинг телевизион фестивали. Украина телевиденининг программаси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

9 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. 12.05 «Кафедра». Телевизион балий фильм. 2-серия. 13.15 Янгиликлар. 13.30 Янгиликлар. 13.50 «Оқиш-оват программаси» — умумжаз иш. Ҳужжати фильмлар программаси: «Россиянинг қилдиқ қўнмаги ўн биринчи беш йилликда». «Қишлоқдаги эъғаринлар». «Фойдали коэффициент». 16.00 СССРнинг муносиват савъати. 16.30 «Москва комсомолнинг ишлари».

17.00 Рус тили. 17.30 «Еш томошаби театри». «Ақли тиратиқон». «Қўғирноқ спектакли премьераси (БХР) 1 ва 2-қисмлар. 18.25 П. И. Чайковский номи VII Халқаро конкурсида. 3-тур. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Халдустлик» телевизион журнали. 19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 1/2 финал. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Л. Архипова ижросида рус ва совет композиторларининг А. С. Пушкин шеърларида ёган романселари. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Нюки арбат». «Москва бўйлаб савҳат» туркумидан телевизион хужжати фильм. «Москва этюдлари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Волалек остоносидан ўтиб». Ҳаётда йўл танлаш, Земирларда маънавий фазилатларни шакллантириш шари. 19.20 «Виталий Горлов қалами». Ҳужжати фильм. 19.40 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 20.30 «Тунингиз кайрай бўлсин, кичиктойлар». 20.45 СССР халқ артистлари А. Райкин, Е. Мирошникенко, СССР халқ артисти Ю. Вогатиков, Марио Дель Моноко (Италия) ва бошқалар иштирокида музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Деврди кулгилди воқеа». Телевизион балий фильм. 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевиденининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Фонари» (тажик). 12.00 Актёрлар учун. «Ишончи қандай ёниш керак?». 12.30 «Қизнинг Чучонала». Фильм-спектакль (рус.). 13.25 «Ез ҳиқоялари». Валий фильм. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Вилмасов қўнмаи шаҳарда». Мультифильм. 18.45 Шифокор суҳбати. 19.00 «Земир ва қонун». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 СССР ташкил тошганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжати кино экранни». Кўрсатув Озарбайжон ССРга бағишланган. 20.30 «Ахборот». 20.50 Чет эл астрадаси артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ҳаёт, санъаткор ва томошабин». Ўзбекистон ССР халқ артисти Еңуб Аҳмедов. 00.05 Янгиликлар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аппарати аппаратининг кекса ходими Ф. В. Гравичкага оғам

Хана Рувиқовна ГЕРШБЕРГНИНГ

вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия иҳдор қилади.

«ОЙНАН ЖАХОН», —

Бу телевизор экранни шундай атайдилар. Унинг ҳозирги замон киши ҳаётидаги қийматини баҳолаш қийин. Ҳозир Совет Иттифонда 75 миллиондан ортиқ телевизор приёмниклар бор — бу, ҳар 100 оилда 85 тадан телевизор тўғри келади, демандир.



Техник харақтеристика:

экраннинг размери диагональ бўйича — 61 см; тоқдан қувват олиши — 270 ватдан ошмайди; тоғуш каналнинг номиналь қуввати — 3 вт; баҳоси — 720 сўм.

«Витязь—733» метрли диапазон тўғрисида ишлайди, лекин телевизор кинотехникада уни дециметрли диапазонда ишловчи блокча улашини ҳам кўзда тутишган. Витязь телевизор заводда ишлаб чиқаришган бу меделда рағланганин модернизациялашган блокча қўлланган бўлиб, шу тўғрисида телевизор экранни рағнигиз максимал даражада табиатга яқин қилиб кўрсатади. Телевизор ниҳоятда сезгир, шу билан бирга қўнманинг автомат рағнида регуляторга қилиш системаси самарали ишлайди. Бу эса олисдаги телемарказдан берилаётган ёки олиб эшитирилатган кўрсатувларни бемалол кузатиш имконини беради.

Экраннинг размери диагональ бўйича — 61 см. Баҳоси — 720 сўм.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Агар Сиз телевизор харид қилмоқчи бўлсангиз ГУМдан харид қилинг! Бу ерда телевизорларнинг хиллари кўп. Сотува оқ-қора тасвирдаги кўнмаи телевизорлар қўйилган: «Горизонт—206», «Чайка—207», «Рекорд—312», «Фотон—225», «Славутич—219», «Весна—308», «Рассвет—307», «Таурас—211», «Садко—307», «Измурод—209», «Берёзка—215», «Берёзка—216», «Рекорд—340», рағли тасвирдаги: «Радуга—715», «Радуга—719», «Электрон—722», «Янтарь—726», «Янтарь—714», «Берёзка—П—202», «Славутич—П—202», «Таурас—722», «Фотон—716», «Витязь—733», «Электрон—718», «Садко—714», «Горизонт—728», «Электрон—736», «Лазурь—714», «Чайка—714».

транзисторли телевизорлар: «Шиллялис», «Электроника ВЛ—100», «Электроника—404», «Электроника—407», «Юность—Р—603», «Электроника—П—430».

Ҳамама телевизорлар 12 — 24 ойга кредитга сотилади.

Телевизорларни марказлаштирилган усулда уйга элтиб бериш ташкил этилган.

ГУМ.

КИТОБСЕВАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

— Уйингизда китоб борми? Шубҳасиз, кўплар бу саволга маъқул жавоб берадилар.

— Уларнинг ҳаммаси сизга керакми? Кутубхонаингизда яроқсиз китоблар йўқми?

Аллақачон балоғатга етган болаларингизнинг китоблари ётибди... Тасодифан қимматбаҳога сотиб олинган, лекин эҳдиликда асқотилмаган нашрлар тоқчаларда чанг босиб ётибди... Буни орзу қилиб юришган китобларга айлантириш мумкин-ку.

АГАР БУКИНИСТИК МАГАЗИНЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИЛСА, БУНГА ЭРИШИШ МУМКИН.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар китоб савдосининг Букинистик магазинлари аҳолидан бадий адабиётлар, санъатга оид, илмий ва техника нашрларини, чет тиллар ва энциклопедия лугатларини, справочникларини (обуна наشري тугатган, санъатга оид адабиётлар, кўп томли словарлар ва справочниклар ўзларининг асил нашрларидан қимматбаҳога қабул қилинади. 1976 йилгача босиб чиқарилган айрим нашрлар икки баравар беҳода қабул қилинади) харид қилади.

Уз шаҳсий кутубхоналарини обуна нашрлари томлари ва бошқа китоблар билан тўлдирини истаган китобсеварлар учун ҳамма магазинларда бемалол алмашиш фондлари ташкил этилган.

1 — Пушкин кўчаси, 6-корпус;
11 — М. Горький проспекти, 73-уй;
13 — Навоий кўчаси, 16-уйдаги магазинларда ноёб адабиётлар бўлими ишлаб турибди.

Ҳарид қилиниши ва сотилиши шубҳа тўғрисида китоблар ва даврий нашрлар икки ой муддатга комиссияга қабул қилинади.

Ирик кутубхоналарни кўздан кечириш учун магазинлар уйларида товаршуосларини юборади. Китоб харид қилиш икки комиссияга китоб топиришида паспорт ёки шаҳсий тўғривомангиз ўзингиз билан бирга бўлиш керак.

Ихтисослаштирилган букинистик китоб магазинлари: 13- (Навоий кўча, 16-уй) ва 31- (Навоий кўча, 12-уй).

«Кингторг»нинг 1 — Пушкин кўча, 6-уй;
2 — Навоий кўча, 42-уй;
4 — Привокзальная, 12-уй;
9 — Новомосковская кўчаси, 31-уй;
16 — Гагарин кўчаси, 66-уй;

«Союзторгеклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.